



1564-йилда Лондоннинг шимоли-гарбидан 140 км узокликда жойлашган Стратфорд-апон-Эйвон деган кичик шаҳарчада кўлкуп тикувчи оиласида бир ўғил тугилади. У катта бўлиб, ота уйини тарк этиб, Британия пойтахтига йўл олади, актёр бўлади, кейинчалик машҳур театр гуруҳининг акциядорига айланади. Саҳнадаги ишлари орасида ўзидан саккиз ёш катта аёлга уйланади ва уч фарзанд кўради. Ўша пайтлар учун каттагина пулга ўз юртида ер участкаларини сотиб олади ва 1616-йилда шу ерда вафот этади. Биз бу инсонни «Уильям Шекспир» номи билан биламиз.

Хозирча бошқа ишончли маълумотлар йўқ. Оддий оиладан чиққан, саводсиз бир киши ҳақиқатан ҳам 38 та пьеса ва 154 та сонет ёзганми? Улар унинг саводлироқ замондошлари томонидан ёзилган эмасми? Хатто киролича Елизавета I ҳам шубҳа остига олинади, у гўё зерикиш ва рухий тушкунликдан «Шекспир» таҳаллуси остида ёзувчилик билан шугулланган. У нимадан вафот этганини билмаймиз — симобданми ёки саратондан? Мутахассислар ханузгача Уильям чиройли, юзи ва калби олижаноб бўлганми ёки аксинча, оддий шахсми, деган савол устида бахслашадилар.

Албатта, ҳаммасига эмас, аммо баъзи саволларга Германиянинг Майнц шаҳридан инглиз тили ва адабиёти профессори Хилдегард Хаммершмидт-Хуммель жавоб беришга

уринмокда. У Шекспирнинг иккита портретида ундан олдин ҳеч ким сезмаган ёки эътибор бермаган бир нарсани топди — чап кўз устидаги калинлашган юкори ковок ва кўз бурчагидаги кичик шиш. Олима Шекспирнинг мавжуд тасвирлари канчалик ишончли эканлигини аниклашга қарор қилди.

Айнан шу ерда лингвист профессор ёллаш жинойт ишлари бўйича федерал идорадан тажрибали криминалистларга ёрдам керак бўлди. Шекспирнинг энг машҳур бешта тасвири мавжуд: Мартин Дройсхут томонидан қилинган гравюра, эгалари номи билан аталган «Чандис» ва «Роуер» картинаси, Уильямнинг қариндошлари томонидан унинг қабрига ўрнатилган бюст ва ўлиmidан кейин олинган никоб.

Германия жинойт полиция маркази мутахассислари дастлабки ўрта объектни ўрганиб чиқишди ва турли усуллар билан, жумладан, фотосуратларни компьютерда ўрта-ўрта қўйиш орқали 16 та мос қелувчи элементни топдилар. Масалан, қатъий немис судлари битта ва бир хил одам ҳақида гап бораётганини тан олиш ўрта мос қелувчи деталнинг ўзини ўртали деб ҳисоблайдилар.

Хаммершмидт-Хуммель ўрта расмда бир хил шахс тасвирланган деган ҳулосага қелди. Лекин бу Шекспирми? Жинойт ишлари бўлими ходимлари ва экспертизага жалб этилган Висбаденлик профессор-окулист Вальтер Лерхе лингвистдан мустақил равишда ўртача расмда ҳам «қалинлашган ковокни» топдилар, лекин гравюрада «кўз бурчагидаги шишни» топа олмадилар. Эҳтимол, расмлар гравюрадан қўчирилмаган, балки аксинча бўлган ва Мартин Дройсхут бу кичик деталга эътибор бермаган. Немис шифокорлари кўз атрофидаги шишларни ўрганиб, Шекспирнинг кўз ёши безлари қасаллигидан азият чеққанлигини тахмин қилдилар. Бундай шишлар лимфа тўғунлари саратонига айланиши мумкин, шунинг ўрта саратон ўлими ҳақидаги фаразийлар янги тасдиқларни олмақда. Қизиги шундаки, профессор Х. Хаммершмидт-Хуммельнинг сўзларига қўра, ўлимдан кейинги никобда ҳам чап ковокда қалинлашув сезиларли.

Бу деталь, бошқа нарсалар қаторида, никобнинг ҳақиқийлигини аниклаш ўрта ҳам муҳим, унинг орқа томонида «1616» — Шекспирнинг ўлим йили ёзилган. Қўпгина шекспиршунослар буни XIX асрда ясалган ва Англиядаги Шекспир институти профессори Стенли Уэллснинг сўзларига қўра, «немис жаноби»дан олинган сохта нарса деб ҳисоблайдилар. Майнцлик тадқиқотчи никоб ҳақиқий эканлигини таъкидлайди - ковокдаги зўра сезиларли қалинлашув қардан қелади? Қирибгар бундай нозикликни ўйлаб ҳам топа олмади. Никоб ва қабртош бюстининг фотосуратлари махсус таҳлил қилинди ва жинойт ишлари бўлими детекторлари ўларнинг ўрнатилишдан қайратда қилишди.

Машхур драматургнинг кайнотаси, касби шифокор бўлган Хаммершмидт-Хуммельнинг фикрича, никоб Англиядан Германияга қандай йўл билан ўтгани номаълум. Аммо 1842-йилда у Майнцдаги аукционда Кесселштатт графининг мероси сифатида 738-ракам билан рўйхатдан ўтган. Эҳтимол, бу унинг немис келиб чиқиши ҳақидаги версияни пайдо қилгандир? Кейин, бир қатор эгаларини алмаштириб, никоб Дармштадтдаги Беккер оиласининг сейфида пайдо бўлган, уларнинг уйи Иккинчи жаҳон уруши пайтидаги кучли бомбардимондан зарар кўрган. Сейф кулаб тушган, унинг нусхаси деярли бутунлигича қолган, аммо унинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар шундай ҳолатдаки, уларга ҳатто тегиб бўлмайди. Урушдан кейин шаҳар ҳокими никобни 52 минг маркага сотиб олди ва ҳозир у Дармштадт касри кутубхонасида сақланмоқда.

Ҳали XIX асрдаёқ мутахассислар никобни Шекспирнинг қабридаги бюст билан таққослаб, принципаал мос келишини қайд этишган. Кўпроқ ишончлилиқ учун бош суяги махсус ўлчовларини ўтказиш учун қабр очишга рухсат сўралган. Рухсат берган диндор тўсатдан вафот этди ва унинг ўринбосари бу «ҳудоба нисбатан номаълум амалиёт»ни тақиклади. Ҳозирда умуман ҳеч ким Уильям Шекспирнинг бирон бир қолдиқлари сақланиб қолгани ёки йўқлигини билмайди. Тўғри, профессор Хаммершмидт-Хуммель никобда «соқолдан 19 дона соч» топди. Аммо Мюнхенлик профессор-биолог С. Пээбо ва Цюрихлик профессор-физик Г. Бонани бунчалиқ оз миқдордаги материалдан ўрта аср одамнинг ёшини аниқлаш мумкин эмаслигини айтишди.

Агар соқол қолдиқлари деярли тўрт аср давомида сақланиб қолган бўлса, улар анча қисқа муддатда ҳам ҳеч нарса бўлмайди. Қелажакда албатта янада муқаммал техника ва технология пайдо бўлади ва Шекспирнинг яна бир сири очилади. Аммо муаллифлик сирлари билан бу янада мураккаб. Стратфорд-апон-Эйвонлик қўлқопчининг ўғли қолдирган қўлёзма материалларидан бизга факат унинг олти имзоси етиб қелган.

Абу Муслим таржимаси

(профессор, сиёсий таҳлилчи)